



doi [doi.org/10.55439/ECED/vol24 iss3/a43](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a43)

САВДО КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сайдуллаев Шоҳжаҳон Зариф ўғли
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,
стажёр-тадқиқотчи

Аннотация. Мақолада савдо корхоналари рақобатбардошлигини корхонанинг техник даражаси, меҳнатни ташкил этиш даражаси, маҳсулот ассортиментини баҳолаш, бошқарув самарадорлиги, меҳнат ресурсларининг ҳолати ва малакасини баҳолаш мезонлари ва қўрсаткичлари асосида баҳолаш услубияти таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: савдо корхонаси, савдо хизмати, рақобатбардошлик, рақобат устунлиги, баҳолаш мезони, конкордация коэффициенти.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ОЦЕНКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Сайдуллаев Шоҳжаҳон Зариф ўғли -
Самарканский институт экономики и сервиса,
стажер-докторант

Аннотация. В статье анализируется методология оценки конкурентоспособности коммерческих предприятий на основе технического уровня предприятия, уровня организации труда, оценки ассортимента, эффективности управления, состояния и квалификации трудовых ресурсов.

Ключевые слова: коммерческое предприятие, торговые услуги, конкурентоспособность, конкурентное преимущество, критерии оценки, коэффициент конкордации.

IMPROVEMENT OF THE METHODOLOGY EVALUATING OF THE COMPETITIVENESS OF TRADING ENTERPRISES

Saidullaev Shohjahon Zarif oglı -
Samarkand institute of economics and service,
doctoral researcher

Article. The article analyzes the methodology for assessing the competitiveness of commercial enterprises based on the technical level of the enterprise, the level of labor organization, assessment of the range, management efficiency, the state and qualifications of labor resources.

Key words: commercial enterprise, trade services, competitiveness, competitive advantage, assessment criteria, concordance coefficient.

Кириш. Иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви, ташқи савдо фаолиятининг кенгайиб бориши, шу билан бирга, ички бозорларда ҳам истеъмолчиларнинг товар ва хизматлар сифатига бўлган қўшимча талаблари савдо хизматлари соҳасида ҳам рақобат курашининг ку чайишига олиб келмоқда. Республикамизда ҳам савдо механизмларини янада такомиллаштириш, товарлар бозорида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва харажатларини камайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу билан бирга, рақобатбардошликтининг ўзига хос жиҳатлари, таъсир даражаси, характеристи, бошқа тармоқларга нисбатан турлича эканлиги[1], бозор фаолияти самарадорлик қўрсаткичларига комплекс таъсир кўрсатиши назарда тутилганда ҳамда

савдо соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлик омилларини тадқиқ этиш улар учун нафақат ташқи бозорда, балки ички бозорда ҳам рақобатбардошлик даражасини баҳолаш ва оширишнинг долзарб масалала-ридан бири сифатида ўрганилиш заруратини келтириб чиқаради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. М.Портер саноат тармоқларининг рақобатбардошлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда уларнинг энг аввало ресурс ва технологик рақобат афзалликларига эга бўлишини таъкидлаб ўтади [2].

М.Болтабоев корхона рақобатбардошлигини – баҳо беришга асосланган самарали рақобат назарияси усулида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва молиявий бошқарув тизими яхши ташкил қилинган корхонанинг рақобатбардошлик даражаси юқори деб ҳисоблайди [3].

А.Солиев "Савдо хизмати сифатини ошириш харидорларга маслаҳат бериш, товарларнинг намуналарини ҳаракатда кўрсатиш, реклама ва ахборотнинг турли шаклларини ривожлантириш йўли билан товар танлаб олиша харидорларга ёрдам беришни ҳам тақозо этади" талқинида изоҳ берган [4].

Ф.Б.Абдукаримов илмий ишларида "...савдо хизматнинг асосий вазифаларидан бири истеъмолчиларга хизмат қилиш ва аҳоли ҳаётини таъминлайдиган алоҳида хизмат соҳасидир" деб изоҳланган [5].

Б.А.Абдукаримов "савдо хизмати" тушунчасига кенг маънода "савдо хизматнинг алоҳида тури бўлиб, у бир томондан ишлаб чиқарувчиларга хизмат қиласди, иккинчи томондан истеъмолчиларга, учинчи томондан давлатга хизмат қиласди ва тўртинчидан у бошқа иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ҳам хизмат кўрсатди, уларнинг хизматларидан истеъмолчи сифатида фойдаланади ва улар билан алоқада бўлади" деб таъкидлаган [6].

У.Нормуродов тадқиқотларида рақобатбардошлик чакана савдо корхонаси даражасида кўриб чиқилган бўлиб, бу тушунчага рақобатчиларга нисбатан чакана савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъектнинг аҳоли учун қулай жойлашиши, савдо майдонининг қулай ва замонавий сотиш усусларига мос жиҳозланганлиги, товарлар ассортиментларининг мўл-кўллиги ҳамда харидорларга товарларни вақт бирлигida малакали ходимлар томонидан сифатли савдо сервиси кўрсатиш орқали кўпроқ сотишга ва юқори фойдага эришишидаги устунлиги сифатида таъриф берилган [7].

К.М.Ибодовнинг илмий-услубий ишларида корхона ёки тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлиги иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиши, фойда олиш ва жамият эҳтиёжларини максимал қондириш мақсадидаги бошқа устунликлари ҳамда узоқ давр мобайнида ўз капиталини ошириб бориш имконияти сифатида изоҳланган [8, 9]. Рақобатбардошлик – корхоналар иқтисодий фаолияти натижаларининг лойиҳавий, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол жиҳатларини ўзида акс эттиради ҳамда охироқиб бозорнинг қайта тақсиланишига олиб келади.

Шу билан бирга, тадқиқотчилар томонидан ҳам рақобатбардошликтининг турли таърифлари келтирилган бўлиб, аксарият иқтисодий рақобат субъекти учун афзалликлар яратадиган хусусиятларга эга бўлиш сифатида тушунилади. Шу билан бир қаторда, савдо хизматлари кўрсатувчи субъектлар рақобатбардошлигини баҳолашнинг тўлақонли услугиятини ишлаб чиқиш борасида аниқ бир тўхтамга келинмаган.

Тадқиқот методикаси. Тадқиқотда индукция ва дедукция, гурухлаш, макон ва замон, анализ ва синтез, мантиқий таҳлил, эксперт сўрови, таққослаш усулларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларини умумий яхлит тарзда ифодалаш мақсадида жадвал ва расмлардан фойдаланилган.

Таҳлиллар ва натижалар. Савдо хизматлари соҳаси республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, соҳанинг барқарор ривожланиши учун ўзига хос қулай тадбиркорлик муҳити шаклланганлиги билан ажралиб туради. Рақобат устунликлари ҳар хил турдаги маҳсулотлар, корхоналар ва ташкилотлар ёки уларнинг гуруҳлари, иқтисодий муносабатларнинг турли соҳаларидаги етакчилик ва ниҳоят, алоҳида мамлакатлар ёки уларнинг бирлашмалари (мintaқавий, сиёсий, этник-маданий) бўлиши мумкин.

Объектлар рақобатбардошлиги маълум бир бозорга ёки бозорни стратегик сегменлашнинг белгиларига кўра шаклланган маълум истеъмолчилар гуруҳига нисбатан белгиланади.

Бозор муносабатларининг бугунги шароитида рақобатбардошлик иқтисодий фаолиятнинг муваффақият омилларидан бири ҳисобланади. Корхонанинг рақобатбардошлиги унинг ажралмас хусусияти сифатида қуйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш тавсия этилади:

- корхона бозор таклифининг рақобатбардошлиги;
- корхона ресурсларининг рақобатбардошлиги;
- бошқарувнинг рақобатбардошлиги;
- тадбиркорлик ғоясининг рақобатбардошлиги.

Рақобатбардошликтининг асосий жиҳати кўрсаткичларининг нисбийлик ва динамик хусусиятдир. Нисбийлик шундан далолат беради, корхона ва рақобатчиларни солиштириш у ёки бу томонга нисбатан рақобатбардош устунликлар ҳақида гапиришга имкон беради. Рақобатбардошликтининг динамик хусусияти унинг доимий ўзгариб туришини белгилаб беради.

Бозорда рақобатбардош обьектга эришиш ва уни доимий равишда кўллаб-куватлаш учун кўлга киритилган рақобатбардош устунликларни сақлаб қолиш, янгиларини излаш ва амалга ошириш керак.

Савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъектнинг рақобатбардошлиги турли нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда изоҳланиши мумкин:

- истеъмолчилар учун савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъект томонидан реализация қилинаётган товар ва хизматлар орқали уларнинг эҳтиёжларини рақиб корхоналарга

нисбатан қанчалик қондира олиш имконияти-дир. Яъни бунда рақобатбардошлиқ товар рақо-батбардошлиги орқали ифодаланади;

– рақобатчи корхоналар учун ички ташқи бозор талабларига жавоб бера оладиган товар ва хизматлар сотувини йўлга қўйиш ва рақобат устунлигини мунтазам равишда ривожланти-риб бориш салоҳияти билан ифодаланади;

– инвесторлар учун савдо хизматлари кўр-сатувчи иқтисодий субъектнинг мавжуд моддий ва иқтисодий ресурслардан қай даражада самара-ли фойдалана олиши ва келгусида бозор қий-матини ошириб бориш имконияти орқали ифо-даланади;

– бозор субъектлари учун корхонанинг рақобатбардош маҳсулотлар реализация қилиши ва мавжуд имкониятлардан самарали фойда-ланган ҳолда инновацион ўсиш сурatlари ва омилларини намоён қилиш салоҳиятидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз К.М.Ибодов [8, 9] томонидан изоҳланган “корхона рақобатбардошлигига таъриф беришда умумтан олинган “рақобатбардошлик” кате-гориясидан четга чиқмаслик мақсадга мувофиқ-

дир. Яъни ҳар қандай шароитда ҳам рақобатбар-дошлиқ танлаб олинган обьект (бизнес, товар, корхона, худуд, мамлакат)га нисбатан қўллани-лади. Корхона рақобатбардошлиги деганда, унинг рақиб корхоналарга нисбатан товарлар ва хизматлар бозоридаги ҳолати, рақобат қураши-га бардош бера олиш имконияти ҳамда ушбу ҳолат ва имкониятларнинг барқарорлиги билан изоҳланувчи нисбий кўрсаткич тушунилади” деган фикрини тўлиқ маъқуллаймиз. Шу асосда савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъ-ектнинг рақобат устунлиги узоқ вақт давомида қўллаб-кувватлаб туриладиган рақобатбардош-лик даражасидир.

Фикримизча, рақобатбардошликини ички омилларга асосланган рақобатбардошлиқ ҳамда ташқи омилларга асосланган рақобатбардошлиқ кўрсаткичлари сифатида таснифлаш мақ-садга мувофиқ. Мазкур тасниф келгусида савдо хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг рақо-бат устунликларидан фойдаланиш ҳамда унга эришиш имконини беради (1-жадвал).

1-жадвал

Корхонанинг рақобатбардошлик омиллари таснифи

Имтиёзлар тури	Имтиёзлар яратишга ёндашувлар
Ташқи омиллар гурӯҳи	Мижозлар билан алоқалар; содик мижозлар сонининг кўпайиши
	Ҳукуқий жиҳатлар
	Янги рақобатчиларнинг бозорга киришига тўқсунлик қилувчи маҳаллий қонунлар
	Солиқ имтиёзлари
	Манзил
Ички омиллар гурӯҳи	Етказиб берувчилар
	Ҳамкорлик муносабатлари
	Эксклюзив маҳсулот
	Миқёс самараси туфайли арzon нархлар; ассортимент кенглиги;
	Қулай харид шартлари
	Паст нархлар
	Савдо ҳажмининг кенглиги

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу рўйхат тўлиқ эмас. Савдо ходимларининг ҳар қандай тадбири рақобат устунлигига эришишга имкон бериши мумкин.

Рақобатбардошликни баҳолашнинг энг муҳим мақсади корхонанинг иқтисодий самара-дорлигини оширишdir. Рақобатбардош корхоналарнинг бозордаги фаолияти ва мустаҳкам мавқега эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъектнинг рақобатбар-дошлигини тавсифловчи мезонлар қўйидаларга асосланиши лозим:

– корхона хўжалик фаолиятининг яқуний мақсадли натижаларини акс эттириши;

– белгиланган мақсадларга эришиш учун корхона харажатлари даражасини белгилаш;

– бошқа корхоналарнинг шу каби мезон-лари билан ўзаро таққосланиши;

– таҳдилли кўрсаткичларнинг келгусида янада деталлашган кўрсаткичларга ажратилиш имкониятига эга бўлиши;

– вақт омилини ҳисобга олиши.

Савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъектларнинг рақобатбардошлиги бир вақт-нинг ўзида бир нечта мезонлар ёрдамида баҳо-ланиши мумкин. Савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъектнинг рақобатбардошлигини қуйидаги 2-жадвалда мезонлар ва кўрсаткичлар асосида тўлдиришни таклиф қиласиз.

Савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъект рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Рақобатбардошлик мезонлари	Рақобатбардошлик кўрсаткичлари
Корхонанинг техник даражасини баҳолаш мезонлари	савдо фаолиятини автоматлаштириш ва рақамли технологияларнинг жорий этилиш даражаси
Меҳнатни ташкил этиш даражаси мезонлари	меҳнатнинг илмий ташкил этилиши ва иш жойларининг рақамли технологиялар билан жиҳозланиши
Товарлар ассортиментини баҳолаш мезонлари	корхонанинг бозор улуши ҳолати ва динамикаси
Талабни рағбатлантириш самарадорлиги мезонлари	корхонанинг сотиш ҳажми ва динамикаси
Бошқарув самарадорлиги мезонлари	бошқарув харажатларининг ҳажми ва минималлашуви даражаси
Меҳнат ресурсларининг ҳолати ва малакаси мезонлари	савдо ходимларининг касбий малакаси; ходимларни рағбатлантириш тизимининг самарадорлиги; ишлаб чиқариш фаолиятида менежерлар ва техник ходимларнинг иштирок даражаси; ходимлар мотивацияси ва ишдан қониқиши даражаси

Манба: муаллиф ишланмаси.

Рақобатбардошликнинг санаб ўтилган мезонлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг ҳар бирининг кўрсаткичининг ўзгариши бошқа кўрсаткичларнинг муқаррар ўзгаришига олиб келади. Ушбу ҳолат савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъектнинг ташқи муҳит шароитларига мослашуви учун ўзгаришларни амалга оширишда корхона раҳбарияти томонидан ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, аксарият иқтисодчи олимлар томонидан рақобатбардошликнинг кўпинча сўров натижаларига асосланган ҳолда эксперт усулида баҳоланиши, амалиётда кенг қўлланиладиган рентабеллик ва иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари эса корхонанинг молиявий ҳужжатларини таҳлил қилишга асосланиши ҳамда тижорат сири билан боғлиқ жабҳалари мустақил тадқиқотлар олиб боришига тўйқинлик қилишини эътиборга олган ҳолда ушбу таклиф этилаётган савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъектнинг хизматлар сифати ва мижозлар нуқтаи назаридан рақобатбардошлигини баҳолашда самарали қўлланилиши мумкин.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган рақобатбардошлик мезонлари ва кўрсаткичлари савдо корхоналарида хизматлар сифатини такомиллаштириш асосида рақобат устунлигига эришиш учун энг самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Таклиф қилинаётган рақобатбардошлик кўрсаткичлари Самарқанд шаҳридаги савдо фаолияти билан шуғуллануви "XXX", "УУУ" ва "333" корхоналари рақобатбардошлигини баҳолашда қўлланилди.

Кўрсаткичларнинг аҳамиятлилик даражаси (Ак) эксперт сўрови усулига асосланади ва қўйидаги формула билан ифодаланади.

$$A_k = \frac{\sum_{i=1}^{n_k} b_i}{n_k} \quad (1)$$

Бу ерда: Ак – нараметрнинг аҳамиятлилик даражаси; н – параметр рақами; и – эксперт рақами; Н – экспертлар сони; би – балл, ипараметрга н-эксперт томонидан берилган балл; бн – н-эксперт томонидан барча параметрларга берилган балл. Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг ишончлилиги конкордация коэффициенти K_k орқали баҳоланади ва қўйидаги формула билан ифодаланади.

$$K_k = \frac{12 * (b_j - b_{\text{урт}})}{m^2 * n * (n^2 - 1)} \quad (2)$$

Бу ерда: бж – жами баллар йиғиндиси; бурт – ўртacha балл; м – экспертлар сони; н – баҳоланаётган кўрсаткичлар сони (бизнинг мисолимизда 9 та). Рақобатбардошлик кўрсаткичининг ишончлилик даражасини ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} K_{kSMarket} &= \frac{12 * (28.11 - 3.12)}{14 * 9(9^2 - 1)} = 0.029 \\ K_{k24soat} &= \frac{12 * (25.68 - 2.85)}{14 * 9(9^2 - 1)} = 0.027 \\ K_{kpanjobSavdo} &= \frac{12 * (22.78 - 2.53)}{14 * 9(9^2 - 1)} = 0.024 \end{aligned}$$

Конкордация коэффициентининг қиймати ҳам эксперталар фикрининг ўзаро уйғунлигини ҳамда рақобатбардошлик кўрсаткичининг ишончлилигини яна бир марта асослайди.

Ҳисоблаш натижаларига кўра, биз томонимиздан танлаб олинган кўрсаткичлар асосида баҳоланган рақобатбардошлик даражаси бўйича SMarket корхонасининг кўрсаткичлари энг юқори экан. Ушбу корхонада рақобатбардошлик даражасининг юқорилиги савдо фаолиятининг автоматлаштирилиши ва рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасининг юқорилиги, сотиш ҳажмининг динамикаси, бошқарув харажатларининг пастлиги, савдо ходимларини рағбатлантириш тизимининг самарадорлигига боғлиқлиги аниқланди. Ҳисоб-китоб натижалари қўйидаги 3-жадвалда келтирилган.

**Самарқанд шаҳридаги савдо фаолияти билан шуғулланувчи SMarket,
24Soat ва PanjobSavdo корхоналари рақобатбардошлиги таҳлили**

Рақобатбардошлик мезонлари	Рақобатбардошлик кўрсаткичлари	Ak	SMarket	24Soat	PanjobSavdo
Корхонанинг техник даражасини баҳолаш мезонлари	савдо фаолиятини автоматлаштириш ва рақамли технологияларнинг жорий этилиш даражаси	0,40	4,03	3,73	2,33
Меҳнатни ташкил этиш даражаси мезонлари	меҳнатнинг илмий ташкил этилиши ва иш жойларининг рақамли технологиялар билан жиҳозланиши	0,60	0,82	5,38	1,99
Товарлар ассортиментини баҳолаш мезонлари	корхонанинг бозор улуши ҳолати ва динамикаси	0,52	4,24	4,54	3,81
Талабни рағбатлантириш самарадорлиги мезонлари	корхонанинг сотиш ҳажми ва динамикаси	0,68	2,49	1,73	3,07
Бошқарув самарадорлиги мезонлари	бошқарув харажатларининг ҳажми ва минималлашуви даражаси	0,41	1,71	1,25	2,33
Меҳнат ресурсларининг ҳолати ва малакаси мезонлари	савдо ходимларининг касбий малакаси	0,74	6,39	1,89	3,39
	ходимларни рағбатлантириш тизимининг самарадорлиги	0,75	2,48	1,43	2,17
	ишлаб чиқариш фаолиятида менежерлар ва техник ходимларнинг иштирок даражаси	0,21	0,38	0,37	0,54
	ходимлар мотивацияси ва ишдан қониқиши даражаси	0,68	5,57	5,36	3,15
Рақобатбардошликнинг умумлашган кўрсаткичи		28,11	25,68	22,78	

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар. Савдо корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда қуидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– савдо фаолиятининг автоматлаштирилиши ва рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасини ошириш;

– сотиш ҳажмининг динамикасини барқарор сақлаб қолиш. Бунинг учун сотишнинг замонавий усувларидан фойдаланиш ва самарали маркетинг технологияларини кенг жорий этиш;

– бошқарув харажатларининг мунтазам равишида пасайиб боришига эришиш орқали маблағларнинг тақорор хосил бўлишини тезлаштириш;

– савдо ходимларини рағбатлантиришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш.

Ушбу таклифларнинг амалиётда жорий этилиши савдо корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашга ва келгуси истиқболдаги барқарорлигини сақлаб қолишга имкон беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шарипов И.Б., Хакимов З.А. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини баҳолаш услубларини тақомиллаштириш. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. З-сон, май-июнь, 2017 йил.
2. Порттер М. Конкурентная стратегия: методика анализа отраслей и конкурентов. / М.Порттер; пер. с англ. 2-е изд. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. – 454 с.
3. Болтабоев М. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. – Т.: Фан, 2004. – 223 б.
4. Солиев А., Бузрукхонов С. Маркетинг. Бозоршунослик. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 294 б.
5. Абдукаримов Ф.Б. Савдода бозор механизмини тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ўйлари (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд: СамИСИ, 2011. – 156 б.
6. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2016. – 504 б.
7. Нормуродов У.Н. Чакана савдо хизматлари кўрсатувчи иқтисодий субъект рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. // Сервис журнали. – Самарқанд, 2019 й. 2-сон, 34-36-б.
8. Ибодов К.М. Монополияга қарши бошқарув назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: "Iqtisod-moliya" нашриёти, 2020 йил. – 308 бет.
9. Ибодов К. Ресторан хизматлари соҳаси рақобатбардошлигини баҳолаш услубиятини кенгайтирилган маркетинг комплекси (7P'S) ва мижозларнинг қониқканлик индекси (CSI) асосида тақомиллаштириш. // Iqtisodiyot va ta'lim, 2022, 23 (1), 173-180. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/369>